O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI
TOSHKENT SHAHAR
«FENIKC FINANCE»
MAS'ULIYATI CHEKLANGAN JAMIYATI
AUDITORLIK TASHKILOTI

FENIKC FINANCE

O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI TOSHKENT SHAHRI, OLMAZOR TUMANI, CHINNIOBOD МФЙ, САГБОН, ТУП. 30 КЎЧАСИ, 11- УЙ, 2-ХОНАДОН, X/R: 20208000505709065001, ТИФ МИЛЛИЙ БАНКИ АЖ БОШ ОФИСИ, STIR: 310872990
Tel. (+99891) 603 12 32 , (+99897) 999 66 60

**«ANDIJON DORI-DARMON» акциядорлик жамиятини аудиторлик текширувидан ўтказиш натижаларига кўра фикр билдирилган**
**АУДИТОР ХУЛОСАСИ**

**Изохлар билан билдирилган фикр**

**«ANDIJON DORI-DARMON» акциядорлик жамиятининг** 2025 йилнинг 31 декабр холатига тузилган Бухгалтерия баланси, Молиявий натижалар тўғрисидаги хисоботи ва Хусусий капитал тўгрисидаги хисоботдан иборат бўлган молиявий хисоботларини жамият билан 2026 йилнинг 03 феврал санасида расмийлаштирилган 01/21-сонли шартномага асосан, уларнинг ишончлилигини аниқлаш мақсадида мажбурий тарзидаги аудиторлик текширувидан ўтказдик.

Бизнинг фикримизча, **«ANDIJON DORI-DARMON» акциядорлик жамиятининг** 2025 йил 31 декабр холатидаги молиявий хисоботи изохлар билан фикр билдириш учун асос бўладиган қуйида баён этилган вазиятларнинг молиявий хисоботга таъсиридан ташқари,барча мухимлилик жихатлари бўйича унинг молиявий холатини ва молиявий-хўжалик фаолияти натижаларини акс эттиради ва бухгалтерия хисоби тўғрисидаги конун хужжатлари ва молиявий хисоботнинг миллий стандартлари талабларига мувофиқ тақдим этади.

**Изохлар билан Фикр билдириш учун асос**

Биз аудитни аудиторлик фаолиятинг халқаро стандартлари асосида аудиторлик текширувидан ўтказдик. Аудиторлик текшируви аудиторлик далилларини олишга йўналтирилган аудиторлик амалларини ўтказишни ўз ичига олади. Биз аудит килинаётган ташкилотга нисбатан бухгалтерлар учун ахлок стандартлари бўйича Халқаро кенгаш томонидан ишлаб чикилган Ахлок кодексига мувофик жамиятнинг молиявий хисоботи бўйича ахлокий талабларга нисбатан мустакил хисобланамиз.

Аудиторлик текшируви давомида олинган аудиторлик далиллари молиявий хисобот ишончлилиги тўғрисида ўз фикримизни билдириш учун етарлича асослар беради деб хисоблаймиз. **«ANDIJON DORI-DARMON» акциядорлик жамиятининг** 2025 йил 31 декабр холатига тайёрланган молиявий хисоботида дебиторлик ва кредиторлик карздорликлар буйича ноаниқликлар мавжуд. Шунингдек товар моддий захиралар хисобидан камомадлар мавжуд. Ушбу камчиликлар бартараф этилмаса, жамиятнинг молиявий хужалик фаолиятига салбий таъсир курсатиши мумкин.

**Хўжалик юритувчи субъект рахбариятининг жавобгарлиги**

Хўжалик юритувчи субъект рахбарияти мазкур молиявий хисоботни Ўзбекистон Республикасининг «Бухгалтерия хисоби тўгрисида»ги конун хужжатларига мувофик тайёрлаш, дастлабки хужжатларнинг хаққонийлиги шунингдек фирибгарлик ёки хато

Директор _____ Ё. Насирдинова

Сканировано с CamScanner

туфайли юзага келган мухим бузиб курсатишлардан холи булган молиявий хисоботларни тайёрлаш учун зарур бўлган ички назорат тизими учун жавобгардир. Жамиятни бошкариш учун масъул бўлган шахслар молиявий хисоботни тайёрланишини назорат килиш бўйича масъулдирлар.

Молиявий хисоботни тайёрланишини жараёнида жамиятни ўз фаолиятини узлуксиз давом эттириш кобилиятини бахолаш. Тегишли холатда узлуксиз фаолиятга тегишли маълумотларни очиб бериш ва молиявий хисобларни тайёрлашни назорат килиш бўйича масъулдир.

**Аудиторлик ташкилотининг масъулияти**

Аудиторлик ташкилотининг жавобгарлиги ўтказилган аудиторлик текширувига асосан ушбу молиявий хисобот юзасидан фикр билдиришдан иборат. Аудиторлик ташкилоти **«ANDIJON DORI-DARMON» акциядорлик жамиятин**инг илова килинган молиявий хисоботини аудиторлик текширувидан ўтказдик. Аудиторлик текшируви молиявий хисобот ва бошка молиявий ахборотларни барча мухимлилик жихатлари бўйича бухгалтерия хисоби тўғрисидаги конун хужжатларига мувофиқлиги ва хаққонийлигини бахолашдан иборат. Аудиторлик текшируви аудиторлик фаолиятининг халқаро стандартларига мувофиқ ўтказилди. Ушбу стандартлар жамият молиявий ҳисоботларида жиддий бузиб кўрсатишлар мавжуд эмаслигига етарли даражада ишончга эга бўлишини таъминловчи аудиторлик текширувини режалаштиришни ва ўтказишни тақозо этади. Аудиторлик фаолиятининг халқаро стандартларига мувофиқ ўтказилган аудиторлик текшируви жараёнида биз профессионал мулоҳазалардан фойдаланамиз. Бундан ташқари биз:

а) фирибгарлик ёки хатолик туфайли молиявий ҳисоботларнинг жиддий бузиб кўрсатилиши хавфини аниқлаймиз ва баҳолаймиз, ушбу хавфларга жавобан аудиторлик жараёнларини ишлаб чиқамиз ва амалга оширамиз, фикримиз учун асос бўлишига етарли далилларни оламиз;

б) аудит жараёнларини ишлаб чиқиш мақсадида аудиторлик текширувига тегишли ички назорат тизими ҳақида тушунчага эга бўламиз;

в) ҳисоб сиёсатининг мақсадга мувофиқлиги ва бухгалтерия ҳисоби маълумотларини ошкор этиш асосларини баҳолаймиз;

г) аудиторлик далиллари асосида фаолиятнинг узлуксиз давом эттиришга шубҳа туғдириши мумкин бўлган ҳодисалар туфайли ноаниқликлар мавжуд эмаслиги бўйича хулоса чиқарамиз;

д) молиявий ҳисоботларнинг тузилиши, мазмуни ҳамда уларнинг ишончли ифодаланишини баҳолаймиз.

**МЧЖ шаклидаги «FENIKC FINANCE»**
**аудиторлик ташкилоти директори:** **Ё.Насирдинова**

Малака сертификати
04.10.2019 й. № 05630

Тузилган сана:

"24" март 2026 й

Директор _____ Ё. Насирдинова

Сканировано с CamScanner